

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА
КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ
МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

Ҳимояга рухсат
Кафедра мудир
п.ф.н., доцент Б.И.Ганиева

201_й. «_____» _____

**ШОИР МУҲАММАД АЛИНИНГ ЭЛЕКТРОН КУТУБХОНАСИНИ
ЯРАТИШ МАВЗУСИДА**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

| | |
|--------------------------------|-----------------------|
| Битирувчи _____ | <u>Жалалова Ф.</u> |
| имзо | Ф.И.Ш. |
| Раҳбар _____ | <u>Каримова Ҳ.</u> |
| имзо | Ф.И.Ш |
| Такризчи _____ | <u>Зиёдуллаева Г.</u> |
| имзо | Ф.И.Ш |
| ҲФХ бўйича маслаҳатчи _____ | <u>Назарова Г.</u> |
| имзо | Ф.И.Ш |

Мундарижа

| | | |
|--|---|--|
| Кириш..... | | |
| 1- БОБ. ЭЛЕКТРОН КУТУБХОНАЛАР ВА УЛАРДАН Фойдаланиш усуллари таҳлили..... | | |
| 1.1 | Электрон кутубхоналар хизматлари ва уларни такомиллаштириш масалалари..... | |
| 1.2 | Жаҳоннинг электрон кутубхоналари хизматлари ва уларнинг ресурслари таҳлили..... | |
| 1.3. | Электрон кутубхона яратишга мўлжалланган ААКТлари имкониятлари..... | |
| | 1- боб бўйича хулоса..... | |
| 2-БОБ. ШОИР МУҲАММАД АЛИНИНГ ЭЛЕКТРОН КУТУБХОНАСИНИ ЯРАТИШ АХБОРОТ МОДЕЛИ, АЛГОРИТМИ ВА ҚИДИРУВ ТИЗИМЛАРИ | | |
| 2.1 | Шоир Муҳаммад Алининг ижод йўли ва ҳозирги фаолияти..... | |
| 2.2 | ЭК яратиш ва фойдаланишнинг ахборот модели | |
| 2.3 | ЭК яратиш ва қидириш алгоритми | |
| | 2- боб бўйича хулоса..... | |
| 3-БОБ. ШОИР МУҲАММАД АЛИНИНГ ЭЛЕКТРОН КУТУБХОНАСИНИНГ ТАДБИҚИ ВА УНДАН Фойдаланиш.. | | |
| 3.1 | Шоир Муҳаммад Алининг электрон кутубхонасидан фойдаланиш функционал тузилмаси | |
| 3.2 | Шоир Муҳаммад Алининг электрон кутубхонасидан фойдаланиш ташкилий тузилмаси | |
| 3.3 | Фойдаланувчи қўлланмаси | |
| | 3-боб бўйича хулоса..... | |

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йилнинг 12 январь куни “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида” фармойиш берди.

Ҳозирги кунда матбуот, ноширлик ва ахборот соҳасида тегишли ҳуқуқий асос яратилган бўлиб, 10 дан ортиқ қонун ва 30 дан ортиқ қонуности ҳужжатлар қабул қилинган. 1 677 та матбаа корхонаси, 118 та нашриёт давлат рўйхатига олинган. Замонавий технологиялар билан жиҳозланган Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 14 та вилоят ахборот-кутубхона маркази, туман марказлари ва шаҳарлардаги таълим муассасаларида 200 га яқин ахборот-ресурс маркази томонидан аҳолига ахборот-кутубхона хизматлари ҳамда “Китоб олами”, “Шарқ зиёкори” ва “Ўздавкитобсавдотаъминоти” мажмуалари томонидан китоб савдоси хизмати кўрсатиш йўлга қўйилган.

Ёзувчилар уюшмаси ҳузурида ташкил этилган “Ижод” жамоат фонди томонидан ёзувчи ва шоирлар, айниқса, ёш ижодкорларнинг биринчи китоблари кўп минг нусхада нашр этилмоқда. Шу билан бирга, ушбу муҳим соҳа ривожини билан боғлиқ аҳоли, хусусан, ёшлар ўртасида китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини оширишда бир қатор муаммолар мавжудлигини қайд этиш лозим.

Аввало, бадий, маърифий, илмий-оммабоп, тарбиявий, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга қаратилган адабиётларни чоп этиш, улар билан таълим муассасаларини таъминлаш, миллий ва жаҳон адабиёти намояндаларининг етук асарларини саралаш, таржима қилиш ишлари пухта ўйланган тизим асосида ташкил этилмаган. Чоп этиладиган китобларни нашриётлардан ҳудудларга арзон нархларда етказиш, онлайн буюртма бериш ва манзилга етказиш тизими суст ривожланган, шунингдек, аҳолига хизмат кўрсатишда электрон китоб шаклларида кенг фойдаланиш яхши йўлга

қўйилмаган. Шундай долзарб муаммоаларани ҳал этиш учун Президентимиз соҳа мутахассислари олдига бир қанча вазифаларни қўйди:

-мавжуд ахборот-кутубхона муассасалари аҳолининг кенг қатламларига хизмат кўрсатиши зарурлигидан келиб чиқиб, уларнинг вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар бўйича жойлашиш ва бўйсунтириш тартибини қайта кўриб чиқиш, фаолияти ҳамда ўзаро ҳамкорлигини такомиллаштириш;

ахборот-кутубхона муассасаларининг, айниқса, таълим соҳасидаги ахборот-ресурс марказлари фондларини шакллантиришда ўқув адабиётлари билан бир қаторда бадиий, маърифий, илмий-оммабоп адабиётлар рўйхатини ҳамда уларни харид қилиш бўйича харажатлар сметасини қайта кўриб чиқиш;

чоп этилаётган китобларни аҳоли ўртасида оммавий ахборот воситалари, жумладан, “Маданият ва маърифат” телеканали орқали тарғиб қилиш, таълим муассасалари, кутубхоналар, маҳаллаларда китоб муаллифлари билан ижодий учрашувларни тизимли равишда ташкил этиш ҳамда таълим муассасалари, айниқса, мактабгача ва бошланғич таълимда ўқиш маданияти ва мутолаа кўникмаларини шакллантириш;

худудларда ёзувчи-шоирлар иштирокида китоб байрами ва ярмаркаларини ташкил этиш, аҳоли ўртасида бадиий жиҳатдан юксак миллий ва жаҳон мумтоз адабиётлари намуналарини тарғиб қилиш, китобхонлар, босма ва электрон китоб ишлаб чиқарувчилар, китоб сотувчилар ҳамда кутубхоначи ва тарғиботчилар орасида танловлар (“Йилнинг энг яхши китоби”, “Энг яхши китобхон оила”, “Йилнинг энг яхши болалар китоби”, “Йилнинг энг яхши аудио китоби”, “Йилнинг энг яхши электрон китоби” каби) ўтказиш тизимини такомиллаштириш.

Мавзунинг долзарблиги. Бугунги болалар эртанги кун халққа айланади, – деди давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев. – Ёшларни китобга қайтаришимиз керак. Ахборот-коммуникация соҳасидаги охириги ютуқларни ўзлаштириш билан бирга, ёшларнинг китоб ўқишга бўлган қизиқишини кучайтиришга, уларнинг китоб билан дўст бўлишига, аҳолининг китобхонлик савиясини янада оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим

бўлади. Президентимиз бу масалани қайта-қайта таъкидлади: Ёшларни китобга, китобхонликка қайтариш керак! Китобсиз келажак йўқ! Олий минбардан янграган бу сўзлар эртаси куниёқ мамлакатимизнинг ҳамма гўшаларида, энг чекка ҳудудларгача аҳолининг барча қатламлари орасида аксадо берган экан, бу албатта ахборот-кутубхона соҳаси ходимларини ҳам сергакликка чорлайди. Чунки ахборот коммуникация технологияларини жорий қилган ҳолда фойдаланувчига ахборотни қулай ва осон етказиш тизимини шакллантириш ва қизиқишлариндан келиб чиқиб китоб ўқишга жалб қилиш каби масъулиятли вазифаларни амалга оширишни тақозо этади.

Шунинг учун ҳам битирув малкавий иши мавзуси “Шоир Муҳаммад Али Аҳмедовнинг электрон кутубхонасини яратиш” деб номланди ва бу мавзу куннинг долзарб маквулари сирасига киради.

Ишдан мақсад ва вазифалари: Фойдаланувчиларга автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизими таркибида Шоир муҳаммад али аҳмедовнинг асарлари, мақолалари, шеърлари, сўз бошилари, тўртликларини йиғиб, электрон каталоги ва тўлиқ матнли маълумотлар базасини яратиш ҳамда ахборот-кутубхона муассасаларига тадбиқ этиш.

Юқоридаги мақсаддан келиб чиқиб эса БМИни бажариш вазифалари куйидагилар этиб белгиланди:

- Электрон кутубхоналар ва улардан фойдаланиш усулларини таҳлил қилиш;
- жаҳон элестрон кутубхоналари ва уларнинг ресурсларини ўрганиш;
- шоир, таржимон, ёзувчи Муҳаммад Алининг асарларининг электрон каталоги, элестрон кутубхонаси, унинг ахборот модели, яратиш ва қидириш алгоритмларини ишлаб чиқиш;
- Яратилган электрон кутубхонани амалга тадбиқи учун унинг ташкилий ва функционал тузилмаларини яратилиш.

Тадқиқот объекти ва предмети: ААКТида электрон каталог, электрон кутубхона яратиш жараёнлари ҳамда шоирнинг асарлари ишнинг объекти бўлса, предмети эса элестрон кутубхона яратиш усул ва воситалари.

Ишнинг тузилиши: Битирув малакавий иши кириш, тўртта боб, фойдаланилган адабиётлар ва иловадан ташкил топган.

Ишнинг аҳамияти: Давлатимиз томонидан китобхонлик, шеърхонликка, адабиётсеварликка ыаратиётган эътиборнинг самараси шлароы яратилган электрон кутубхона китобхонлар учун янги қулайлик беради. Бунда шоирнинг барча ижодий маҳсулотлари бир жойга тўпланган ҳолда тўлиқ матнли маълумотлар базаси билан фойдаланувчига тақдим этилади. Ёш авлод бундай меросдан маънавий озуқа олиши уларни нафақат китобхонлигини белгилайди, балки маърифатли, ўткир зеҳнли, жаҳолатга қарши маърифат билан курашувчи бўлиб етишишини таъминлайди.

Электрон кутубхонадан барча турдаги фойдаланувчилар фойдаланишлари мумкин.

1.1 Электрон кутубхоналар хизматлари ва уларни такомиллаштириш масалалари

Бугунги кунда мамлакатимизда 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича [Харакатлар стратегияси](#) асосида барча соҳа ва тармоқларда улкан ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бу борада жамият ҳаётида эзгу қадрият ва анъаналарни чуқур қарор топтиришга, хусусан, халқимиз, айниқса, ёш авлоднинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтиришда, она Ватани ва халқига муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол шахсни тарбиялашда беқиёс аҳамиятга эга бўлган китобхонлик маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ушбу йўналишда тегишли ҳуқуқий-меъёрий базани мустаҳкамлаш, ташкилий-амалий ишларни замон талаблари асосида олиб бориш, бу масалага кенг жамоатчиликни жалб этиш бўйича кейинги пайтда бирмунча ишлар амалга оширилаётганини таъкидлаш лозим.

Айни вақтда ўтказилган кузатиш ва таҳлиллар бу соҳада ўз ечимини кутаётган бир қатор долзарб муаммолар борлиги ва уларни кенг кўламда ҳал этиш зарурлигини кўрсатмоқда. Хусусан, халқимиз, аввало, ёшларнинг маънавий-маърифий, бадий-эстетик талабларига жавоб берадиган китобларни юксак сифат билан чоп этиш, жойларга, таълим муассасаларига вақтида ва мақбул нархларда етказиш, миллий ва жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини таржима қилиш, фарзандларимизда болаликдан бошлаб китоб, жумладан, электрон китоб ўқиш кўникмасини шакллантириш, жамиятимизда мутолаа маданиятини юксалтириш билан боғлиқ муҳим масалаларни ҳал этиш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Кутубхоначилик соҳасида ахборот технологияларини татбиқ қилишнинг муҳимлиги Республика Президентининг 2006 йил 20 июндаги «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорида ўз ифодасини топган. Бу натижаларга максимал даражада эришиш

учун ташкилий, техник ва дастурий таъминотларга эга бўлиш борасидаги яхши ўйланга қарорлар комплекси зарур бўлади. Замон талабига жавоб берувчи автоматлаштирилган кутубхоналарни яратишда RFID технологиясининг аҳамияти катта.


RFID (Радио Фрекуенсй ИДентифисатион) – радио тўлқинли идентификация бўлиб, у ҳужжатларни автоматик идентификациялаш усулларида бири ҳисобланади. Радиосигналлар ёрдамида маълумотлар RFID-меткага ёзиб олинади.

RFID компонентлари қуйидагилар:

RFID-метка – маълумотларни сақлаш ва уларни радио тўлқинлар ёрдамида контакtsiz усулда RFID-ўқувчига узатадиган қурилма.

RFID-ўқувчи (RFID-считывател) – RFID-меткадан маълумотларни ўқиб оладиган ва унга маълумотларни ёзадиган қурилма.


Маълумотлар базаси – меткадаги ахборотга боғланган маълумотлар сақланган сервер.



RFID технологияси моҳияти бўйича бир оз штрих код технологиясига ухшаб кетади, аммо RFID нинг бир қатор афзалликлари бор. Ривожланган мамлакатлар кутубхоналарида ишлатилаётган штрих код технологияси ўз вақтида кутубхоначиларга беминнат ёрдам кўрсатиб келган, штрих код технологияси ёрдамида китоб бериш ва қайтариб олиш жараёнлари тезлашган, хатолар сони сезиларли даражада камайган. Буларнинг барчаси, китобхонларга берилаётган ва қайтариб олинаётган ҳар бир китоб тўғрисидаги маълумотларни қўлда ёзиш заруратини чеклаш ва айти пайтда бу операциялар

тўғрисидаги маълумотларни компьютер хотирасига автоматик равишда киритиш микониятини берар эди. Бу жараёнларни автоматлаштиришда штрих код технологияларидан унумли фойдаланилган. Мазкур технология ёрдамида кутубхона технологияларини автоматлаштиришда муҳим бир муаммо ҳал қилинди, яъни китоб бериш ва қайтариб олиш жараёнлари, ҳар бир китобга бириктирилган штрих код шаклидаги ахборотларни сканер қурилмаси ёрдамида ўқиш орқали автоматлаштирилди. Дастлаб, штрих код технологияларини кутубхона жараёнларига татбиқ қилиш, кутубхонадаги барча жараёнларни автоматлаштиргандек туюлди. Аммо, кутубхоналарда автоматлаштирилмаган яна икки жиддий муаммо бор эдики булардан биринчиси кутубхоналарда ўтказиладиган инвентаризатсия жараёни, иккинчиси эса КБК, УДК ёки бошқа бирор бир классификациялаш тизими асосида жойлаштирилган фонддаги ўз жойига қўйилмаган китобларни қидириш ва ўз жойига қўйиш муаммоси эди. Кутубхоначиларга маълумки кутубхона фондидаги ҳар бир китоб ўз (адресига) ўрнига эга, ўз ўрнига қўйилмаган китоб одатда китобхонлар учун йўқотилган ҳисобланади ва у навбатдаги инвентаризатсия пайтида топилади ва ўз жойига қўйилади. Бундан ташқари, кейинги пайтда кўплаб кутубхоналар «очик фонд» тартибида ишламоқдалар. Бундай ҳолда фондлардан китобларнинг йўқолиши кўпайяди, яъни китобларни «китоб ўғриларидан» ҳимоя қилиш эҳтиёжи туғилади. Бундай муаммоларни штрих код технологияси ҳал қила олмас эди.

Шу билан бирга, баркод (штрих код) инсон ёрдамига мухтож, RFID эса тўғридан-тўғри контактни талаб қилмайди, сониясига юзлаб элементларни ўқишга қодир.



Фондда, бевосита ҳар бир китобга контактсиз, маълум бир масофадан туриб идентификациялаш орқали инвентаризатсия ўтказиш, инвентаризатсия жараёнини тезлаштиришнинг ягона усули ҳисобланади. Кутубхона фондини инвентаризатсия қилиш бу кутубхонада энг узоқ давом этадиган жараёндир. Бунда тоқчадаги ҳар бир китоб қўлга олиниб у идентификация қилинади ва ўз жойига қўйилади. Демак, кутубхонадаги ҳар бир китоб қўл билан ушланиб, тегишли маълумотлар таққосланиб сўнгра китоб ўз урнига қўйилиши керак. Кутубхона фондида 10 000 — 15 000 китоб бўлганда бу шни бажариш унчалик қийинчилик туғдирмайди. Аммо, фонддаги китоблар сони 100 000 — 1 000 000 бўлгандачи? Бундай ҳолда инвентаризатсия бир неча ойга чўзилиши мумкин. Инвентаризатсия учун қанча вақт кетади? Ўз жойига қўйилмаган китоблар одатда, китобхонлар учун йўқотилган ҳисобланади, чунки сўровни бажараётган кутубхоначи китобни махсус шифр бўйича излайди, китобни ўз ўрнидан топмагач, китобхон сўровига рад жавобини беради. Бундай ҳол катта фондга эга ва «очик фонд» тартибида ишлаётган кутубхоналарда кўп учрайди. Чунки «очик фонд» тартибида ишлаётган кутубхоналардан фойдаланаётган китобхонларнинг китобни ўз ўрнига қўймаслик эҳтимоли катта бўлади. Масалан, Ватикан кутубхонасининг «нодир китоблар» бўлими фондида 2 000 000 сақлаш бирлиги ҳажмида китоб сақланади. Бу ерда ўз ўрнига қўйилмаган китобларни излаш муаммоси жуда осон ҳал қилинган, яъни ўз ўрнига қўйилмаган китоб фақат навбатдаги инвентаризатсия пайтида топилиб, ўз жойига қўйилган. Кутубхонанинг «очик фонд» тартибида ишлашининг


афзалликлари билан бир қаторда камчиликлари ҳам бор. Бундай тартибда ишлайдиган кутубхоналар фонд хавфсизлигини тўлиқ таъминлашлари лозим. Бунинг учун штрих код технологиясидан ташқари, ҳар бир китобга ўғриланишга қарши метка ўрнатилиши ва китоб бериш кафедрасида бу меткалар фаолсизлантирилиши керак. Бундай ҳолда китобхонларга мустақил равишда хизмат кўрсатиш станцияларидан фойдаланиш имкониятлари чекланган бўлади. Шу сабабли ҳам бу соҳадаги барча тажрибалар мувофақиятга олиб келмади. Шундай қилиб, кутубхона технологияларини автоматлаштиришда штрих код технологияларидан фойдаланиш ҳам ўз имкониятлари чегарасига етди. Мазкур технология бугунги кунда замонавий кутубхоналар олдида турган муаммоларни ҳал қила олмай қолди.

Меткалар

Метка антенна ва интеграл схемадан ташкил топган микрочип ҳисобланади.

Меткалар классификацияси:

- Қувват манбасига кўра
- Ишлаш радио частотасига кўра
- Хотира турига кўра
- Қўлланилишига кўра



Қувват манбасига кўра турлари

| Метка тури | Пассив | Ярим пассив | Актив |
|---------------|-------------------------------|----------------------------------|------------------------------|
| Қувват манбаи | Сканер вақтида | Баттерея | Баттерея |
| Алоқа | Фақат жавоб | Фақат жавоб | Жавоб/Ишлаш |
| Макс. масофа | 10м | >100м | >100м |
| Қиёсий баҳоси | Паст | Юқори | Юқори |
| Қўлланилиши | ЭМК Контактсиз карталар | Электрон божхона тизимлари | Катта ҳажмдаги жисмлар ва |

| | | | |
|--|--|--|-----------------------|
| | | | хайвонлар назорати |
|--|--|--|-----------------------|

Частотасига кўра


| Частота тури | Частотаси | Пассив ўқиш масофаси |
|----------------------------|-------------------|----------------------|
| Қуйи частота (ЛФ) | 120-140 КҲз | 10-20 см |
| Юқори частота (ҲФ) | 13.56 МҲз | 10-20 см |
| Ультра-юқори частота (УҲФ) | 868-928 МҲз | 3 м |
| Микротўлқин | 2.45 & 5.8 ГҲз | 3 м |
| Ультра кенг полосали (УВБ) | 3.1-10.6 ГҲз | 10 м |

| Частота тури | Плюс | Минус | Суюқлик / Металл таъсири | Нархи (~) |
|--------------|--|--|--------------------------|---------------|
| ЛФ | Қиска масофа | Қуйи ўқиш даражаси Қиска масофа | Таъсир қилмайди | УС\$1 |
| ҲФ | Юқорирок ўқиш даражаси Кенгроқ масофа | Қийин созланиши | Таъсир қилади | УС\$0.50 |
| УҲФ | Юқори ўқиш даражаси Кенг масофа | Сканери қимматлиги Тиббий ускуналарга таъсири | Қисман таъсири бор | < УС\$0.15 |

| | | | | |
|--------------------|---|---|--------------------|--------|
| Микротўлқин | Кичик ҳажм Юқорирок ўқиш даражаси | Энергия талаб қилиши WiФига таъсири | | УС\$25 |
| УWB | Жуда кенг масофа | Актив ёки ярим пассив | Таъсир қилмайди | УС\$5 |

Метка хусусиятлари


| Класс | Номи | Хотира тури | Қувват манбаи | Функциялари |
|-------|--------------------------|---------------------------|----------------|----------------------------|
| А | Ўғирликни олдини олиш | Йўқ | Пассив | Видеокузатув учун |
| Б | Фақат ўқилувчи ЭМК | Фақат ўқиш (Рead-Онлй) | Пассив | Идентификатсия учун |
| С | ЭМК | Ўқиш/Ёзиш | Пассив | Маълумотлар хисоботлари |
| Д | Сенсорли меткалар | Ўқиш/Ёзиш | Ярим пассив | Сенсорлар |



RFID сканнерлар

RFID сканнер меткага маълумот ёзиш ва ўқиш қурилмалари бўлиб, меткаларни тўлқин ёрдамида қувватлаш хусусиятига эга. Уларнинг асосан 2 хил тури мавжуд:

- Стационар
- Мобил



Шу билан АКМларда куйидаги қурилмалардан фойдаланилади:

1. Идентификация дарвозаси

Китобхоналар учун ўтиш жойи 120 см – бу ижтимоий ва оммавий биноларга ташриф буюрувчилар учун рухсат этилган минимал ўтиш жойи. Кутубхонанинг ўқув залидаги ўтиш жойи кенглиги 1,2 м дан кам бўлмаслиги керак.



Ҳужжатларни кўчирилиши ва ўғирланиши назоратини таъминлайди.

Ўз фаолиятини «очиқ фонд» тартибида ташкил этган кутубхоналарда фондни химоя қилиш учун махсус RFID эшик ўрнатилиши кифоя. Бу эшик, кутубхонадан рухсатсиз олиб чиқилаётган ҳар бир китобга нисбатан товуш ёки нурли сигнал бериш орқали эътибор қаратади. Эшик кутубхонанинг АКАТ га уланган ҳолда компьютер экранида кимнинг қандай китоб олиб чиқаяётганлиги акс этади. Бундай ҳолда фондни ўғрилашга қарши стандарт меткалар билан таъминлашга ҳамда бундай меткаларни фаолсизлантирувчи ва фаоллаштирувчи қурилмаларга ҳам ҳожат қолмайди. Радиочастотали метка хотирасидаги сектор ўғирлашга қарши функцияни ҳам бажаради.

2. Хизмат кўрсатиш терминали

Китобларга хизмат кўрсатиш учун терминал:

- Компакт ва енгил корпус;
- Фойдаланишнинг оддий ва қулайлиги;
- Рус тилидаги интерфейс;
- RFID-идентификатори билан ишлаганидек, китоблардаги штрих-кодлар билан ишлаши мумкин.



Амалга ошириладиган жараёнлар:

- Китобхоннинг карочкасини кўриб чиқиш;
- Ҳужжатларни бериш/қайтариб олиш;
- Китоб бериш муддатини узайтириш;
- Ҳужжатлар рўйхати ва квитанциялар муҳри.

Китобхонлик билетлари: Штрих-код, RFID, МИФАРЕ ва ЭМ-Марине.

Терминалларнинг ишчи юзаси баландлик бўйича ўзгариши барча ёшдаги китобхонлар, айниқса имконияти чекланганлар учун хизмат кўрсатишга имкон беради.



3. RFID жавон

Очиқ фонддан фойдаланиш бўйича статистиканинг олиб борилиши;
Бир лаҳзалик идентификация ва қайтариш регистратсияси.

4. Қайтариш ва сортировка станциянинг модулли конструкцияси

5. Китобни вақтинча банд қилиш қурилмаси

RFID афзалликлари

- Қайта ёзиш имконияти

- Тўғридан-тўғри контактнинг шарт эмаслиги
- Узоқ ўқиш масофаси
- Хотиранинг кенглиги
- Бирваракайига бир неча меткаларни ўқиш
- Меткаларни исталган ҳолатда ўқиш
- Ташқи таъсирга чидамлилиги
- Хавфсизлик

Президентимизнинг қарорларида кўрсатилагна мақсад ва вазифалар ижроси юзасидан ахборот-кутубхоналаримизда ҳам турли интерактив хизматларни жорий қилиш бўйича лойиҳалар амалга оширилмоқда. Булар нафақат RFID хизмати балки китобхонни ўзига жалб қилувчи турли ресурслар жаҳон андозаларига мос равишда яратилмоқда. Жумладан, буктрейлер яратиш, QR COD технологияларидан фойдаланиш, китобхон ўрнини банд қилиш, контентни бошқариш тизими ва бошқаларни алоҳида таъкидлаш мумкин.

1.2. Жаҳоннинг электрон кутубхоналари хизматлари ва уларнинг ресурслари таҳлили


Юқорида таъкидлаганимиздек, элестрон кутубхоналардан фойдаланиш учун интернет тармоғИ керак. Бундан кўриниб турибдики қидирув тизимларига элестрон кутубхона сўровини киритсак, натижалар бир неча мингга яқин чиқади. Шулар орасидан жаҳоннинг энг кўзга кўринганларини сайти интерфейсини ҳам, таркибида мавжуд ресурсларни ҳам таҳлил қилиб ўтамин.

1. CEL-Canadian Electronic Library-

<http://www.canadianelectroniclibrary.ca>

Канаданинг энг катта элестрон китоблари жамланган элестрон кутубхонаси саналади. Бу сайтни desLibris деб аталади. desLibris ўзида Канаданинг монографик, 16 000 электрон китобларини ва 50 000 дастурий

ҳужжатларнинг маълумотлар базасини акс эттирган. десЛибрис сайти очик бўлиб, ундан барча фойдаланувчилар рўйхатдан ўтмасдан фойдаланиши мумкин.



7-расм. десЛибрис сайти интерфейси.

Сайт интерфейси инглиз тили ва француз тилларида кўришимиз мумкин. Сайтда обуна бўлиш учун бир қанча сабаблар келтирилган бўлиб, фойдаланувчини қизиқишини қондирадиган бирон бир сабаб бўлса табиийки фойдаланувчи шу сайтга аъзо бўлади.

Сайт интерфейсида яна бир қанча бўлимлар бўлиб, улар қуйдагилар:

- Сайтнинг олган мукофотлари;
 - Ташқи манбалар;
 - Фойдаланувчилар учун очик китоблар;
 - Мавжуд коллекциялар;
 - Контентлар;
- Ва бошқалар.


Сайт ичидаги қидирувни тўрт хил амалга ошириш мумкин:

- Тўлиқ матнли қидирув;
- Фақат сарлавҳа бўйича қидирув;
- Ижтимоий ҳужжатлар орасидан;
- Китоблар орасидан;

Ҳозирги кунга қадар қидирилган мақолалардан 70100 таси топилган. Бу статистикани сайда кўришимиз мумкин. Сайтнинг юқори қисмида бешта бандни кўришимиз мумкин. Булар кутубхоначилар учун, нашриётчилар учун, янгиликлар, биз билан боғланиш ва шахсий кабинетга кириш деб номланади. Сайни йиғма элестрон каталог дейишимиз мумкин сабаби Канададаги олий ўқув юртлари билан бир қаторда ташкилот ва муассасалардагинашрларни ҳам ўзида жамлаган ва сайтдан тўғридан-тўғри ўтиш мумкин. Қуида уша ташкилотларнинг рўйхатини ҳамда улар томонидан юкланган ресурслар статистикасини ҳам кўришимиз мумкин:

Сайтнинг асосий маълумотлар сақланган жойига СОНТЕНТ бўлиmidан киришимиз мумкин:

Сайт бир қатор хизматлар кўрсатиши билан бирга асарларнинг муаллифлик ҳуқуқини ҳам ҳимоя қилади, бунинг исботини контент қисмининг биринчи бандидаги Алл сопйригхт боокс бандидан кўришимиз мумкин. Бу ерда муаллифлик ҳуқуқи ҳимояланган асарлар киритилган бўлиб уларнинг сони 22808 тага етган. Улар орасидан қидириш тизими ҳам йўлга қўйилган.




8-расм. Китоблар бўлими интерфейси.

COLLECTIONS бандидан Боокс пунктини босганимизда электрон китобларнинг рўйхати чиқади. Сайтга китоблар киритиш тартибида

жойлаштирилади яъни сўнги киритилган китоб биринчи бўлиб кўринади.

Китоблар ҳақидаги қўшимча маълумотлар учун уша ресурс устига босилади.



9-расм. BOOKS бандининг интерфейси.

COLLECTIONS бандидаги Recommended Readingsга шу соҳа вакиллари билиши зарур бўлган сарлавҳалар киритилган бўлиб, уларнинг номига босилганда шу номдаги китоблар очилади. Бундан ташқари яна кўпроқ маълумотлар олишни истасангиз саҳифадаги Copyright хаволасига босиш етарли. У ердаги ресурсларнинг муаллифлик ҳуқуқлари таъминланган.


3. INTERNET ARCHIVE- www.openlibrary.org

Барча китоб учун бир элестрон сайт деб номланган. Сайт кутубхонанинг ҳақиқиелектрон вариант саналади. Ҳудди кутубхоналардек бу сайтда ҳам рўйхатдан ўтиб аъзо бўлишимиз мумкин. Бунинг натижасида ўз шахсий кабинетингиз очилади ва шу сайтдан китобларни қарз олишингиз ёки ўз шахсий жавонингизга жойлаб қўйишингиз мумкин. Сайт интерфейсида қидирув тизими ишга туширилган бўлиб қидирувни амалга ошириш вақтида икки хил қулайлик яратилган:

- Фақатгина элестрон китоблар;
- Элестрон китоблар матни.

Сайтда 5 банд келтирилган бўлиб, булар: SUBJECTS (фанлар), AUTHORS (муаллифлар), ADD A BOOK (китоб қўшиш), LISTS (варақлар), RECENTLY (яқин орада), HELP (ёрдам).

Бу ердаги элестрон китоблар фан соҳаларига ва мавзуларига бўлинган. Сайт интерфейсида 15 та соҳа кўрсатилган. Агар шу соҳадан эсурс керак бўлса шу ердан мурожатни амалга ошириш ҳам мумкин.



10-расм. Open Library сайтнинг интерфейси.

Сайт интерфейсида Popular books (Машхур китоблар) ва Classic books (Классик мавзудаги китоблар) деб ном олган лавҳалар бор. Уларда сўнг шу мавзуда чиққан китоблар жойлаштирилган. Popular books мавзусига ўзингиз учун севган мавзуингизни кашф этинг деб эпитаф колдирилган. Слассис Боокс бандига эса дунёнинг энг классик адабиётлари киритилган.


Recently Returned бандида элестрон китобларнинг энг сўнгги нашриётдан чиққанлари келтирилган. Worth the Wait банди ҳам алоҳи эътиборли қисми ҳисобланиб унда энди нашр қилинадиган китоблар рўйхати келтирилган.

Сайтнинг яна Around the Library бандида ҳам қизиқарли маълумотлар киритилган. Унда сўнгги 28 кунда бўлган ҳодисалар сон сифатида кўрсатилган. Масалан, сайтда кирган фойдаланувчилар, янги рўйхатдан ўтган фойдаланувчилар, яратилган каталоглар сони, сайтга қўйилган мақолалар ва

қарзга олинган ресурслар сони. Сайтнинг энг сўнгги қисмида Open Library проекти ҳақида маълумот берилган. Open Library очик маълумотли база, ўзгартириш мумкин бўлган каталоглар ва ҳар бир элестрон китоб учун алоҳида веб саҳифа яратувчи сайт саналади. Сайт худди Википедиага ўхшаб, унда сиз янги маълумотлар ташкил қилишингиз ёки мавжуд маълумотларни тўғрилашингиз мумкин.

Autors (Муаллифлар) саҳифаси орқали муаллиф қидириш имконияти мавжуд. Бу сайтда муаллифлар учун алоҳида элестрон кутубхонага кириш тартиби ҳам шундай, яъни Autors (Муаллифлар) бандига кириб керакли муаллифнинг исми ёзилса, шу ижодкор учун яратилинган электон кутубхона очилади.

Англиялик ёзувчи Жон Милтон номини қидирувга киритдим. Сўнг қуидаги натижа чиқди. Айнан Жон Милтоннинг ўзини эмас исмида шу тахаллуслар қўшилган шоир, ёзувчи ва олимларнинг ҳам элестрон кутубхонаси кўринади. Фақатгина уларнинг исми, шарифи эмас, балки уларнинг яшаб ижод қилган йиллари, уларнинг сайтда мавжуд ресурслари сони, қандай жанрда ижод қилингани, ёзган асарларидаги асосий мавзу, бу ёзувчи қаерлик эканлиги ва бошқа қисқа маълумотлар келтирилган.




The screenshot shows the Open Library website's author search interface. The browser address bar displays 'openlibrary.org/search/authors'. The page title is 'Author Search' with '133 hits' below it. A search input field contains 'John Milton' and a 'Search' button is to its right. Below the search bar, there is a list of search results for authors with the name 'Milton':

- John Milton** 9 December 1608 - 8 November 1674
772 books about Accessible book, Poetry, John Milton (1608-1674), Great Britain, Bible, History of Biblical events, Fall of man, Early works to 1800, History, Eve (Biblical figure), including *Paradise lost*
- John R. Milton** 1924 -
18 books about West (U.S.), Indians of North America, 20th century, Intellectual life, In literature, History and criticism, American fiction, Western stories, North America, Juvenile literature, including *South Dakota*
- John Milton Amiss** 1887 -
15 books about Mechanical engineering, Handbooks, manuals, Handbooks, manuals, etc, Factory management, United States, Training of, Supervisors, Industrial, Protected DAISY, Prevention, Occupations, including *The use of handbook tables and formulas*
- John Milton Gregory** 1822 - 1898
13 books about Accessible book, Teaching, History, Science, Religious education, Protected DAISY, Paris. Exposition universelle, 1878, Nineteenth century, John Milton Gregory (1822-1898), In library, including *The seven laws of teaching*
- John Milton Cooper** 1940 -
11 books about United States, 1913-1921, Politics and government, Woodrow Wilson (1856-1924), Foreign relations, Biography, 1901-1909, World War, 1914-1918, Protected DAISY, Presidents, including *Pivotal Decades*


11-расм. Муаллиф қидирувининг натижаси.

Уларнинг орасидан Жон Милтон номига кирсак, унинг кимлиги, қаерданлиги киритилган. Бундан ташқари ёзувчининг ёзган асарларидаги асосий мавзулари рўйхати киритилган бўлиб, фойдаланувчи ўзига керакли адабиётнинг номини билмасдан унинг асосий ёзилган мавзусини билса, ана шундай фойдаланувчилар учун шу банди жуда қулай ҳисобланади ва у шу ном остидан ўзига керакли асарга кириши ҳам мумкин. Бундан ташқари бу ойнада ёзувчи қаламига мансуб 725 та ресурс рўйхати ҳам киритилган бўлиб, уларнинг остига нашр қилинган йили ҳам киритилган. Бу бўлимдаги ресурслар маълум қоида асосида классификация қилинмаган. Асар номининг олдида READ ёки BORROW белгисини кўришимиз мумкин. READ белгиси асарни онлайн ўқиш учун, BORROW белгиси ёрдамида эса фойдаланувчи шу ресурсни ўзига қарз сифатида олиши ҳам мумкин.



12-расм. Жон Милтоннинг элестрон кутубхонаси.

READ тугмасини босишимиз билан кейинг ойнани кўришимиз мумкин. Китобни сақлаб олиш имконияти фақатгина шу ойнада амалга оширилиши мумкин. Ресурсни фақатгина ПДФ форматида юклаб олиш имконияти мавжуд. Бундан ташқари бу ойнада бўлишиш имконияти кўшилган. У орқали ресурсни бошқа фойдаланувчиларга ўқишни маслаҳат беришимиз ҳам мумкин.



13-расм. Online ўқиш ойнаси.

Юқорида бир қанча чет эл элестрон кутубхоналари сайтларини кўриб ўтдик. Уларнинг ҳар томонлама ютуқларини ҳам санаб ўтдик. Ўйлаймизки кутубхонанинг бундай тури ҳам ўз фойдаланувчилари учун яна кўп кулайликлар ярата олишади.

1-боб бўйича хулоса.

Юқорида битирув малакавий иш мавзусидан келиб чиқиб элестрон кутубхона, унинг ятарилиш тарихи ва риволаниши ҳақида, элестрон кутубхонанинг авзалликлари ва ютуқлари ҳақида сўз юритдик. Бундан ташқари Ўзбекистон ва жаҳонда яратилинган элестрон кутубхоналар ҳақида умумий тушунча ва улардан фойдаланиш қонун-қоидалари билан танишиб чиқдик. Шунини хулоса қилишимиз мумкин, элестрон кутубхона янги тушунча бўлишига қарамай, ҳозирги жамиятимизнинг ажралмас қисмига айланиб улгурди. Шунини инобатга олган ҳолда ўзбек адибларидан бири, академик, адабиётшунос олим Муҳаммад Али Аҳмудовнинг ҳам асарлари, мақолалари, ҳамда улар ҳақида ёзилган мақолаларни жамлаб бир тизимга солиб элестрон кутубхона ҳолатида шакллантиришни зарур деб ҳисоблайман. Зеро бунинг натижасида барча адабиётга қизиқувчилар учун маълумотларни жамлашимиз мумкин ва бу билан кўпчиликка ёрдан ҳам берган бўламиз.

1.3. Электрон кутубхона яратишга мўлжалланган ААКТи имкониятлари

Мустақиллик йиллари давомида барча соҳаларда бўлгани каби ахборот-кутубхоначилик соҳасида ҳам босқичма-босқич ислохотлар олиб борилмоқда. Бу соҳани тизимли ривожланиши учун, ҳудудларда аҳолининг бўш вақтини мазмунли ўтказишга замин яратиш я'ни, барча ҳудудларда намунавий таянч кутубхоналари ташкил этилмоқда. Улар замон талабида жиҳозланган бўлиб, аҳолини ахборот олиш, кутубхона хизматидан фойдаланиши учун шароит яратилаётгани барча китобсевар аҳолини бирдай хурсанд этиб келмоқда. Бугунги кунда ташкил этилаётган кутубхоналар аввалги кутубхоналардан тубдан фарқ қилади. Кутубхоначилик соҳасидаги ме'ёрий ҳужжатлар янгиланиб, кутубхоналарни ҳудудларда ҳақиқий ма'навий масканга айлантирилиши учун жаҳон андозаларига мослаштирилмоқда. Шу ўринда унда фаолият юритаётган кутубхоначиларни жаҳоннинг етакчи мамлакатларидаги илғор кутубхоначилик технологиялари билан танишиб қайтаётганлиги сўзимизнинг яққол исботидир.

Кутубхоначиликда самарадорликка эришиш уни ҳақиқий ма'навий-ма'рифий масканга айланриш мақсадида турли та'лим муассалари билан ҳамкорлик ишлари йўлга қўйилмоқда. Ҳар бир оқув юрти негизида аҳоли учун қулай бўлган ахборот-ресурс марказлари ташкил этилиб, улар фонди мунтазам бойитилиб келинмоқда. Натижада китобхон аҳоли, айниқча ёшлар учун бўш вақтини самарали ўтказишга мўлжалланган ахборот масканлари ташкил қилинмоқда.

Ахборот-кутубхона муассаса ресурсларини каталоглаштириш

Каталоглаштириш – режали ташкиллаштирилган, ўзаро боғланган ва бир-бирини тўлдирувчи библиографик каталог ва библиографик картотекалар мажмоидан иборат бўлган кутубхонанинг маълумот-библиографик аппаратининг қисмидир. (ГОСТ 7.76-96.) Ахборот, кутубхоначилик ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Ҳужжатлар фондиди тўлдириш. Библиографиялаш каталоглаштириш. Тушунчалар ва таърифлар).

Кутубхона каталоглари карточка, машина ўқийдиган ва китоб кўринишида бўлиши мумкин . Каталоглаштириш таркибига библиографик ишлов бериш, маълумотларни автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизимига киритиш (ААКТ) ёки каталог карточкаларининг нусхасини кўпайтириш, каталоглар билан ишлаш (ташқил қилиш, яратиш ва таҳрир қилиш) киради.


Каталоглаштиришнинг муҳим жараёнларига қуйидагилар киради:

-Библиографик ёзувни яратиш

-Ахборот-кутубхона ресурсларини системалаштириш ва предметлаштириш

Ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши ахборот-кутубхона муассасаларида электрон каталогларнинг яратилишига олиб келди. Кейинги йилларда Интернет, Интранет технологияларининг инсон фаолиятининг турли соҳаларга жадаллик билан кириб келиши ахборот-кутубхона муассасаларида яратилган электрон каталоглар асосида йиғма электрон каталоглар яратишга имконият берди.

Ушбу тамойилларни рўёбга чиқариш ва қўйилган масалаларни ечиш мақсадида Ўзбекистон - Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш марказида ўзбек тили ва рус тилидаги интерфейсга (—интерфейс инглиз тилидан олинган —ўзаро юзланиш) эга, яъни фойдаланувчи ва дастурий таъминот ўзаро мулоқот тиллари — КаДаТа кутубхоналарнинг ахборотлаштириш дастурий таъминотини ишлаб чиқди.



1-расм.


Ушбу дастур бир неча қулайликларга эга бўлиб, юртимизда яратилиб келинаётган илк кутубхона технологияларини автоматлаштиришга мўлжалланган ва жаҳонда кенг қўлланилаётган тажриба асосида яратилган. Демак, —КаДаТа халқаро талабларга жавоб берадиган библиографик ёзувларни айирбошлашга йўналтирилган MARC формати ва ундан келиб чиқадиган халқаро стандартларига мослаштирилган.

У нашрларнинг барча турлари ва кўринишларини, яъни электрон каталогларни яратиш, адабиётларни қидириш, китоб фонди ҳисоботини олиб боришни тасвирлай олади. Кутубхонага тушаётган ҳужжатларга ишлов бериш, фондни ҳисобга олиш ва таҳрирлаш, китобхонларга адабиётларни бериш ва қайтариб олиш жараёнлари ҳам автоматлаштирилган. Уни бемалол ихтиёрий кутубхонага татбиқ қилиш мумкин.

Айтиб ўтиш жоизки, дастурий таъминот миждоз-сервер архитектурасида яратилган. Бунда алоҳида кутубхонанинг библиографик маълумотлари кутубхонанинг компьютер базасида сақланади ва бир неча кутубхоналарнинг базалар маълумотини тармоқ орқали ягона марказий базага жамлаш хусусиятига эга. Бу эса бир неча кутубхонани марказлаштирилган тармоқ

орқали библиографик маълумотлар, китобхонлар ва бошқаларни о_заро алмашинувини таъминлайди.

1-расмда —КаДаТанинг тармоқ усулларда ишлаш схемаси келтирилган. Тармоққа уланмаган алоҳида кутубхоналарнинг талаблари жойларга ўрнатиладиган —КаДаТанинг бўлаклари бўлмиш —Администратор, —Каталогизатор, —Комплектатор, —Китобхон, —Китоб берувчи, —Китобхонларни рўйхатга олувчи автоматик иш жойлари (АИЖ) томонидан қониқтирилади.




